

## ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май куни sanoat va jamoat transporti sohasida amalga oshirilayotgan loyihalarni, mahallalarda buning uchun zarur bo'lgan ishlar bilan taniishi maqsadida Toshkent shahri Chilonzor tumani tashrif burchi.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор sanoat zonasidagi korxonalar faoliyatini bilan taniydi.

Мазкур sanoat hududida bugungi kunda 510 ta korxonalar mavjud, yana kўplab yangilari tashkil etilmokda.

Хусусан, озиқ-овқат korxonasida йилига 7 минг тонна маҳсулот, шу жумладан, 10 турдаги чипс тайёрланмокда. Яқинда loyihaning ikkinchi bosqichi ishga tushirilib, mahsulotlar turi kengaytiriladi.

Мембранлиқ тармоғидagi korxonada йилига 2 миллион метр квадрат ёғоч панеллар ишлаб чиқарилмокда. Уларнинг катта қисми импорт ўрнини босиши билан аҳамиятли.

Функционал озиқ-овқатлар комбина-тида йилига 5 миллион кўти йодланган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқари-лмокда. Уларнинг 30 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу korxonalar-нинг ишлаб чиқариш жараёнини кўз-дан кечирди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналиш танлаганига эътибор қаратиб, барча ҳудудларда шундай korxonalarni ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Йоднинг аҳоли саломатлиги учун муҳим-лигини инобатга олиб, мамлакатимизда йод билан бойитилган озиқ-овқатларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

Шу ерда Чилонзор туманида sanoatni rivojlandirish rejalari bуйича taъkid-мoт ўтказилди.

— Чилонзор туманида жуда катта инфра-тузилма, бўш турган бинолар, ка-фoлатланган энергия ресурслари бор. Фа-кат тадбиркорларга маблағ бериб, хо-рижий технологиялар олиб келиб, Чилонзорни индустрия хабига айлан-тириш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий ло-йihalар ижтимоий соҳада ҳам натижа келтириши зарурлигини алоҳида тўх-талди. Тадбиркорларга кўмак бериб, фаолиятини кенгайтириб, маҳалла-ларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигига ҳисса қўиши зару-рлигини таъкидлади. Бу борада бош-ланган янги дастурдан фойдаланиб, тумандаги 3 минг камбағал ва 10 минг

ишсиз фуқарони иш билан таъминлаш вази-фаси қўйилди.

Президентимиз Чилонзор туманида-ги korxonalarda ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жа-мияти тизимидаги 7-автoбус сарoйи-га борди.

Аҳолининг кундалиқ ҳаётига дахл-дор ҳар бир масала давлатимизнинг эътиборида. Хусусан, жамоат транс-порти тизими ўсиб бораётган талабдан келиб чиқиб ривожлантирилмокда.

Сўнги йилларда Тошкент шаҳри ҳам энг муҳим бўлиб, бу аҳоли ўзи кўрган, талабалар сони ошди. Илгари шаҳарда кунига 800-900 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1 миллион 300 мингдан ошган. Шу боис, автобуслар етишмаслиги, кутиш вақти кўпчилиги каби муаммолар юзага келган эди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 13 де-кабрь куни пойтахтимиздаги 18-автoбус сарoйида бўлиб, бу аҳоли ўзи кўрган, янги автобуслар олиб келиш ва йўлов-чиларга қўлайликларни ошириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 16 февралда Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг “Жа-моат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги қарoри қабул қилинди. Бу галги ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев соҳадаги вази-фалар ижроси билан танишди.

Апрель-май ойларида Тошкент шаҳ-рига 755 та замонавий автобус олиб келиниб, йўловчилари энг кўп йўналиш-ларга қўйилган. Натижада автобуслар-нинг кунлик сони 1 минг 400 га етган, 9 та қўшимча йўналиш очилган. Яқин кун-ларда яна 245 та автобус келтирилади.

Жумладан, 7-автoбус сарoйи шу пайтгача 18 та йўналишда кунига 90 минг йўловчига хизмат кўрсатар эди. Яқинда унинг парки 67 та янги транс-порт билан бойиди. Табиийки, йўловчи-ташиш қуввати ошиб, автобусларнинг оралиқ вақти қисқарди.

Мутасаддилар Тошкент шаҳрининг янги-ланган Транспорт бош режаси бўйича ҳам ахборот берди. Қайд этилган-дек, у шаҳарнинг кенгайиши ва йўлов-чилар оқими тахлили асосида, 167 та йўналишдан иборат тарзда ишлаб чи-қилган. Шундан 17 тасида кунлик режа белгилаш тартиби бекор қилиниб, бoсиб қoлган масса-фoга қараб ҳисoб-китoб тизимига ўтилган. Июнь-июль ойлари-да қoлган 150 та йўналиш ҳам тендер савдoлари орқали шундай тизимга ўт-казилди. Натижада қатновлар мунта-замлиги таъминланади, хизмат сифати oшади.

Бунда ҳайдовчиларнинг малакаси ҳам жуда муҳим. Шу боис, Тошкент давлат транспорт университети ва бошқа ўқув марказларида ҳайдовчи-ликка ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Автобус ҳайдовчи-ларининг ойллик маошлари икки барoбар оширилиб, йил бошидан бери мингдан зиёд ҳайдовчи ишга қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари автобусларга сифатли сервисни йўлга қўйиш муҳим-лигини таъкидлади. Йулқира тўлови тизимини тартибга солиш, ҳаракат на-зоратини рақамлаштириш, бекатларда шароитларни яхшилаш бўйича кўрсат-малар берди.

— Янги автобуслар, албатта, халқи-мизга қўшимча шароит яратди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Эндиги вази-фа йўлларда тирбандликни камайтириб, автобусларнинг эркин ҳаракатини таъ-минлаш. Пировард мақсад — Тошкент-да жамоат транспорти қамровини 2 миллион йўловчига етказиш.

Президент автобусга ўтириб, оддий йўловчилар билан бирга йўналиш бўй-лаб юриб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳ-ридаги 3-Катта Чилонзор маҳалласига ҳам ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча дастурлар аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, ман-зилли амалга оширилмокда. Бунинг учун “маҳалладаги бешлик” тизими жорий этилиб, уларга кенг имконият-лар берилди. “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз кўча” концепциялари ҳаётга

таъбиқ этилмокда. Маҳаллаларнинг ўзига маблағ йўналтирилиб, обод қи-линмокда.

Бу 3-Катта Чилонзор маҳалласида ҳам яққол намоён. Фуқаролар йиғини бинoси, 52 та кўп қаватли уй замонавий қиёфага эга. Майдончалар ва ички йўл-лар текислашиб, атрофи ободонлашти-рилган. Болалар ўйингоҳи ва сайилгоҳ ташкил этилган.

“Яшил макон” умуммиллий лоийха-сига мувофиқ, бўш майдонларга да-рахт кўчатлари, райхон, намoзшoмгуп каби гуллар экилди, майсazorлар таш-кил этилди. Маҳалла ҳудудидан ўтган “Анхор” канали бўйида сайилгоҳ, пье-далар ва велосипед йўлаклари барпо этилди. Шунингдек, электр подстанция-си, трансформатор ва паст кучланиш-ли кабеллар янгиланди.

Президентимиз бу ўзгаришларни кўздан кечирди. Шу ерда маҳаллалар фаоллари, нурунийлар билан мулоқот бўлди.

— Биласизлар, ҳамма ишларимизни маҳаллада амалга оширяпмиз. Агар маҳалла обод, оилалар тинч ва дарoмадли бўлса, ўқиб, ишлаб, ривож-ланиш бўлади. Шу боис, бу тизимга қўшимча ваколатлар бeряпмиз. Бугун маҳалла камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар муаммосини ҳал қилиш, ёшлар тарбиясида катта кўчга айлан-мокда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли вакиллари буни маҳалла ҳаётида сезаётгани, ёшларни ўқитиш, ишга жойлаштириш эътиборда эканини айтди. Чилонзордаги 55 та маҳаллани обод қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга 115 миллиард сўм ажратил-гани қайд этилди.

Бу йил Тошкент шаҳрининг 585 та маҳалласига 351 миллиард сўм, шун-дан Чилонзордаги 55 та маҳаллага 35 миллиард сўм йўналтирилиши маълум қилинди.

Президент бандлик масаласига ало-ҳида эътибор қаратди.

— Хабарингиз бор, камбағаллик-ни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим асосида иш бошлади. Бунда маҳаллалардаги ишсизлар салоҳиятли тадбиркорларга бириктирилди. Чилонзор туманида 10 минг нафар ишсиз фуқаронинг бандли-гини таъминлашимиз керак. Уйлайман-ки, тадбиркорлар бу бўйича ўзига масъ-улият олиб, нурунийларимиз бош-қoш бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Президент фуқаролар билан очик, самимий суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тош-кент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлди.

Бу маскан 2019 йилда хорижий ком-панияга ижарага берилган эди. Ўтган вақтда 12 миллион долларлик қури-лиш-таъмирлаш ишлари амалга оши-рилиб, шароитлар яхшиланди. 43 та янги аттракцион ўрнатилиб, уч юздан зиёд иш ўрни яратилди.

Асосийси, боғни реконструкция қилишда бирор-бир дарахта зиён етказилмасдан, аксинча, ҳудудга уч мингдан зиёд манзарали кўчатлар ва дарахтлар экилди. Боғда ичимлик сув ва газ ҳамда канализация ўтказилган, шунингдек, ҳудуд тўлиқ замонавий су-ғориш тизими билан қамраб олинган.

Илгари боққа кўнига 30 минг ат-рофида меҳмон келган бўлса, рекон-струкциядан сўнг ўртача 60 минг киши ташриф буюрмокда.

Давлатимиз раҳбари боғ бўйлаб юриб, одамлар билан суҳбатлашди. Бoлажонларга меҳр кўрсатиб, эзгу тил-лақор билдирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “AIR PRODUCTS” КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май куни “Air Products” компанияси бош ижрочи директори Сейфи Гасемини қабул қилди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг стра-тегик тармоқларида юқори технологик лoйihalарни илгари суришда АҚШ-нинг ўз йўналишида глобал етакчи бўлган ушбу компанияси билан ама-лий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти компания раҳбарини 1 миллиард доллар миқдо-рида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда Қашқадарё вилоя-тидаги “GTL” заводининг учта sanoat газ ускунасини харид қилиш бўйича келишув муваффақиятли янқуланигани ва тегишли битим имзолангани билан табриқлади.

“Air Products” яна бир йирик лоий-ҳада — камида 700 миллион доллар-

лик инвестицияларни жалб қилган ҳолда Бухоро вилоятида МТО техно-логияси асосида газ-кимё мажмуаси қурилишида иштирок этаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда “яшил” водо-род соҳасини ривожлантириш бўй-ича яна бир асосий ҳамкор — Сау-дия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси иштирок этаётган ис-тиқболли лoйihalарга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилаётган лoйihalар доирасида юқори малакали мутахас-сисларни тайёрлаш муҳимлиги алоҳи-да таъкидланди.

ЎЗА



## ЕТТБ — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

узoқ муддатга мўлжалланган истикболли шерикликни назарда тутати

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Самарқанд саммити халқаро жамоатчилик ва ишбилармон доираларнинг диққатини яна мамлакатимизга қаратди. Аслида, бу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлигимиз 1992 йилдан бошланган. Айнан шу йилнинг бошида Ўзбекистон ЕТТБга аъзо бўлди ва Тошкент шаҳрида ташкилотнинг ваколатхонаси очилди. Ўтган даврда банк инфратузилмасини ривожлантириш, энергетика мажмуи, туризмни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, табиий ресурсларни ўзлаштириш, пахта қайта ишлаш ва енгил sanoatнинг бошқа тармоқларини тараққий эттириш каби йўналишларда ҳамкорлик қилинди.

Давоми 2-бетда

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КИЧИК ҚАЛБЛАРНИНГ КАТТА ОВОЗИ

Ёш мақомчиларимиз Озарбайжондан фахрли ўринлар билан қайтди

Жорий йил 25 май куни ярим тунда Тошкент Халқаро аэропортида карнай-сурнай садолари янгради. Маданият ва туризм вазири бошчилигида соҳанинг масъул мутасаддилари ота-оналар Боку шаҳрига ўн кун аввал XIII Халқаро муғом фестивалида иштирок этиш учун жўнаб кетган олти нафар истеъдодли фарзандларини тантанали кутиб олди. Зеро, халқимизнинг бебаҳо ва улғувор мақом санъати қудратини Озарбайжон заминида яна бир бор намоён эта олган бу йигит-қизларнинг ҳар бири юксак иқтидор эгаси экани намоён бўлди.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Давоми 2-бетда

**ИННОВАЦИЯ**

## СУВ ИҚТИСОДИЁТИ

### Танқислик муаммосининг ечими нимада?

Глобал иқлим ўзгариши бутун дунёда қурғoқчилик, атмосферанинг ифлосланиши каби долзарб экологик муаммоларни янада кескинлаштирмокда. Сайёрамизда ўртача ҳарорат меъёрининг йил сайин кўтарилиб бoраётгани нафақат сув танқислиги, шу билан бирга, Арктикадан тортиб, Марказий Осиёдаги музликларнинг ҳам кескин камайиб кетишига сабаб бўлмокда. Булар бари бир-бирига боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқараётди.

Маълумки, минтақамиз океан-лардан узoқда, қурғoқчил ҳудудда жойлашган. Мутахассислар фикри-ча, бу иқлим инқирoзи билан боғ-лиқ муаммо ва экологик офатларга таъсирчанликни юзага келтиради. Маълумотларга кўра, агар ҳозир-

ги исиш тезлиги сақланиб қолса ва аср охирига келиб дунё бўйича ўр-тача ҳарорат 4 даражага кўтарилса, Марказий Осиёда бу кўрсаткич 7 даражага ортади.

Давоми 3-бетда



ЭЪТИРОФ

# КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

## Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади ва асосий йўналиши



**Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

**ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессиясида (Париж шаҳри, 2023 й. 10–24 май) Ўзбекистон ташаббуси билан “Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги савий-ҳаракатлар ҳамда ёш болалар тарбияси ва таълимни ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар” резолюцияси бир овоздан маъқулланди.**

Қатор муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Кўплаб мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабга таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имконияти чекланмоқда.

Кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мана шундай синовлар даврида барча давлатлар яқин ҳамкорликни янада чуқурлаштириши, халқлар ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш долзарб вазифага айланди. Ана шундай муҳим лавозимда 2022 йили Тошкентда ўтказилган нуфузли халқаро анжуман ва унда илгари сурилган илгор ташаббус ва ғоялар жаҳон аҳли томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани қувонарли воқеа бўлди.

Уз навбатида, мамлакатимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро форум яқунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатнинг ЮНЕСКО сессиясида бир овоздан маъқуллангани мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг, навқирон авлоднинг эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг муҳим самараси бўлди, десак муболага бўлмайди. Зеро, сўнги йилларда юртимизда вояга етаётган навқирон авлод замонавий таълим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили деб ном олган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Бугунги кунда бу йўналишда махсус давлат дастури қабул қилиниб, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ўрни

қатор муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Кўплаб мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабга таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имконияти чекланмоқда.

Кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мана шундай синовлар даврида барча давлатлар яқин ҳамкорликни янада чуқурлаштириши, халқлар ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш долзарб вазифага айланди. Ана шундай муҳим лавозимда 2022 йили Тошкентда ўтказилган нуфузли халқаро анжуман ва унда илгари сурилган илгор ташаббус ва ғоялар жаҳон аҳли томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани қувонарли воқеа бўлди.

Уз навбатида, мамлакатимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро форум яқунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатнинг ЮНЕСКО сессиясида бир овоздан маъқуллангани мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларнинг, навқирон авлоднинг эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг муҳим самараси бўлди, десак муболага бўлмайди. Зеро, сўнги йилларда юртимизда вояга етаётган навқирон авлод замонавий таълим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили деб ном олган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Бугунги кунда бу йўналишда махсус давлат дастури қабул қилиниб, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ўрни

ва нуфузини ошириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Президентимиз умумий ўрта таълим мактаблари битирувчи ёшларига йўллаган табригида бу хусусда тўхталар экан, кейинги пайтда Ўзбекистон унибўсиб келаётган азму шижоатли ёшларимиз учун улкан имкониятлар мамлакатига айланб бораётганини алоҳида таъкидлади. Зеро, бугунги кунда юртимиздаги 210 олийгоҳ, 330 касб-ҳунар мактаби, қарийб 400 га яқин коллеж ва техникум фарзандларимиз танлаган соҳаси бўйича етук кадр ва малакали мутахассис бўлиб етишиши учун имконият майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, ёшларни замонавий касбларга ўргатадиган монотарқалар, ахборот технологиялари марказлари ва технопарклар бунёд этилган.

Мамлакатимизда ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шароит яратиш орқали келажақда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустақам замин яратилляпти.

Сўнги йилларда таълим соҳаси, хусусан, мактабга таълим тизими тубдан модернизация қилинди. Боғчаларни замон талабларига мос равишда янги босқичга кўтариш, илгор тарбия услубларини кенг қўллаш, моддий-техник базани кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳани кенг ривожлантириш мақсадида хусусий сектор фаолиятига ҳам қўлай шароит яратилди. Натижада сўнги йилларда мамлакатимизда боғчалар сони 6 баробарга кўпайди. Олис ва чекка ҳудудларда юзлаб оилавий боғчалар ташкил этилди.

Тарбиячи ва педагоглар сони кўпайди. Шунингдек, педагог кадрлар малакасини тизимли ошириб бориш ишлари йўлга қўйилди. Натижада боғчаларда таълим-тарбия оладиган болалар сони 600 мингдан 2 миллионга етиб, қамров кўлами 70 фоизга чиқди.

Келгусида ҳам бу ишларни изчил давом эттириб, 2025 йилда болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш учун барча зарур чоралар кўриляпти. Бундан ташқари, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида 2025 йилга қадар 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёргарлик дастури билан қамраб олишни мақсад қилганмиз.

Ўшбу қўзғалган натижаларга эришиш мақсадида мактабга таълим дастурларини ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга ошириляпти. Мактаб таълими халқаро таълим дастурлари асосида ислоҳ қилинмоқда. Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликлар ишлаб чиқиш, илгор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этишга, миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилмоқда. Мактабга таълим муассасалари сони кўпайтириш, улардаги таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилаш масаласи эътиборда.

Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича қабул қилинган Тошкент декларацияси хусусида тўхталадиган бўлса, унинг асосий тамойиллари ўқув дастурлари сифатини ошириш, инклюзив таълим ва факулдада вазиятларда таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш қабиладан иборат. Дунёнинг 55 мамлақати “Тошкент декларацияси бажарилиши бўйича бундан кейинги савий-ҳаракатлар ҳам-

да ёш болалар тарбияси ва таълимни ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар” резолюцияси ҳаммуалфи бўлгани ҳам унинг аҳамиятини янада оширади.

Резолюция Тошкент декларациясининг асосий бандларини қамраб олган баробарида, бутун дунё бўйлаб ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш мақсадида уни илгари суришнинг аниқ механизмларини ҳам тақлиф этган. Ўшбу ҳужжатнинг бажарилиши бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент декларацияси бажарилишини кузатиб бориш мақсадида аъзо давлатлар зиммасига олган мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг ва ҳисобдорликни амалга ошириш вазифаси қўйилган. Шунингдек, Тошкент декларацияси қондаларини ҳисобга олган ҳолда унинг бандларини янгилаш йўли билан ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида шериклик глобал стратегияси механизминини фаоллаштириш, ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича мавзуга доир халқаро ва миткавий ўрашувлар ўтказиш белгиланган.

Тошкент декларациясини амалга оширишда эришилган муваффақиятларни сарҳисоб қилиш учун ҳар беш йилда халқаро аҳамиятли тадбир ташкил этишга қарор қилинган. Албатта, буларнинг барчаси келажақ авлод қамолоти йўлидаги муҳим қадамлардир.

Ўзбекистон ташаббуси билан халқаро ҳамкорлик доирасида ана шундай муҳим қадамлар қўйилиши, албатта, барчамизни қувонтиради. Бу юртимизда таълим тизимида эришилаётган ютуқларни янада юксалтиришга замин яратяди. Шу билан бирга, бу халқаро ҳужжат нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё миқёсида, айниқса, ривожланаётган бир қатор мамлакатларда таълим ислохотларини такомиллаштириш, болаларнинг замонавий таълим олиши, соғлом ва етук, қомил инсон бўлиб шаклланиши учун зарур шароит яратяди.

Табиийки, замонавий билимлар соҳиб бўлган, етук, малакали ёшлар дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш, уйғун ривожланишга эришишда муҳим ҳаракатлантирувчи куч бўлиб майдонга чиқажак.

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ



## КИЧИК ҚАЛБЛАРНИНГ КАТТА ОВОЗИ

### Ёш мақомчиларимиз Озарбайжондан фахрли ўринлар билан қайтди

Бошланғичи 1-бетда

Кейинги йилларда мақом санъатига қаратилаётган юксак эътибор, соҳани ривожлантириш йўлидаги ишлар самараси ўларок, мана шундай иқтидорли ёшлар кашф этиляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги барча савий-ҳаракатларга мустақам замин яратди. Шундан сўнг 2018 йилдан анъанага кирган ва ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Мақом фестивали” доирасида соҳада фаол ибодат қилаётган санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи” каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этилди. Айни пайтда бундай эътибор мақомчиликда устоз-шогирд анъаналарининг аввалги қиёфасини тиклашга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарни янги босқичда раванқ топтириш, унинг “олтин фонди”ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида алоҳида Мақом санъати маркази ташкил этилди.

Шу каби савий-ҳаракатлар самараси 16-23 май кунлари Озарбайжон пойтахти мезбонлик қилган XIII Халқаро муғом фестивалида яққол намоён бўлди.

Нуфузли тадбирда юртимиз шарафини Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидоги Р.Глиэр номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа мактаби, Наманган вилояти 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Бухоро вилоятининг мақом санъатига иختисослаштирилган мактаб-интернати ҳамда Ромитан туманидаги 12-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабидан 16 ёшгача бўлган 6 нафар ўқувчи муносиб ҳимоя қилди.

Яқунда унга яқин давлатлар орасидан 1-ўрин Р.Глиэр номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа мактаби ўқувчиси Умархон Акмалова берилди. Шунингдек, у “Энг ёш муғом ижрочиси” сифатида алоҳида эътироф этилди.

Наманган 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Мадина Каримжоновна ҳамда Р.Глиэр номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа мактаби ўқувчиси Сардор Нарзуллоев 2-ўринни эгаллади. Абдурауф Фитрат номидаги Бухоро мақом санъатига

ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Оғабек Ахтамов эса фахрли 3-ўринга сазовор бўлди.

— Тўғриси, каттик хаяжонданман. Чунки дунёнинг энг зўр мақомчилари орасида бир эмас, бирданга 3 та ўринни эгаллаш ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бахт! Бу ўзбек мақом санъати қанчалар юксалиб бораётганининг халқаро миқёсдаги эътирофидир. Бошқача айтганда, миллий мусиқамиз, хусусан, мақомчилик санъатини ривожлантириш учун юртимизда яратиб берилган кенг шароитлар мевасидир, — деди Маданият ва туризм вазирини Озодбек Назарбеков.

Кеча танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. О.Назарбеков ёш мақомчиларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

— 16 май кунини Боку шаҳрига учиб кетишганди. Катта ҳаяжон билан уларни кутиб олишга келганимизда Маданият ва туризм вазирининг ўзи фарзандларимизга пешвоз чиқиб турганини кўриб, кўзимда қувонч ёшлари айланди. Бугунги маросим эса сира қутилмаган воқеа бўлди. Таълимга, санъатга, умуман, ёшларнинг унибўсишига алоҳида эътибор қаратаётгани учун Президентимиз, ҳукуматимизга чуқур миннатдорлик билдираман. Мана шундай бахтли кунлар ҳамма ота-онага насиб этсин, — деди наманганлик иштирокчи Мадина Каримжонованинг онаси Зухра опа.

Тадбирда шунингдек, жорий йил 16-21 май кунлари Италиянинг Барлетта шаҳрида бўлиб ўтган “Città di Barletta” номли 33-Халқаро ёш ижрочилар танлови ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди. Зеро, Италия, Германия, Корея, Хитой, Канада, Россия, Марокаш, Польша, Ирландия, Арманистон каби кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон номидан иштирок этган 4 нафар ўқувчи ҳам Р.Глиэр номидаги Республика иختисослаштирилган мусиқа мактабидан.

Халқаро танловда Алиса Салыхова 2-ўринга, Севинч Азимова ҳамда Муҳлиса Собитжонова 1-ўринга сазовор бўлган, Гран-при соҳибни Саидшоҳ Ғуломов танловнинг ёпилиш маросимига бағишланган гала концертда иштирок этгани юртимизда ёш авлод қамолотига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

**Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

### НУҚТА НАЗАР

## ЕТТБ — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

### узок муддатга мўлжалланган истиқболли шерикликни назарда тутаяди

**Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти профессори, иқтисодий фанлари доктори**

Бошланғичи 1-бетда

ЕТТБ билан муносабатлар охириги йилларда кескин ривожланиш босқичига кирди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 6 августдаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим пойдевор вазифасини ўтади.

Утган йили 7 декабрда давлатимиз раҳбарининг “Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Анджон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 118 та насос станциясини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Айни пайтда Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида бир қанча лойиҳалар молиялаштирилмоқда ва муайян йўналишларда олиб бориляпти.

**Биринчи йўналиш** ЕТТБнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш учун норматив-ҳуқуқий базани яратишга қаратилган. Бунда давлат мулки ва корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда монополиядан чиқариш, тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва молия секторида инвестицияларни жалб этиш, капитал бозорини шакллантириш каби масалаларни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ қўшилишига кўмаклашиш асосий ўрин тутаяди. Ўшбу вазифаларни амалга ошириш учун, энг аввало, норматив-ҳуқуқий базани яратишга киришилди ва шу асосда ўзаро муносабатлар йўлга қўйилмоқда.

**Иккинчи йўналиш** иқтисодий тармоқларида тарқибий ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича ҳамкорликни назарда тутаяди. Бунда асосий эътибор энергетика секторини ислоҳ қилиш учун мақсуд соҳани ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурини ишлаб чиқишга қаратилган эди. Бу борада тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Ўшбу йўналишда кўзда тутилган масалалардан бири сифатида корпоратив бошқарувни хусусийлаштириш ва такомиллаштириш соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро аниқлашув меморандуми тузилди. Яна бир муҳим масала шуки, банклараро пул бозори ҳамда миллий валютадаги маҳаллий капи-



тал бозорини ривожлантириш соҳасида ҳам ҳамкорлик режалаштирилган.

Мазкур савий-ҳаракатларни мукамал амалга ошириш учун Марказий банк ва бошқа манфаатдор давлат бошқаруви органларида макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш комплекс тизими (FPAS) жорий этилади. Қолаверса, мамлакатимизда замонавий банк хизматлари кўрсатиш, лойиҳаларни молиялаштиришда хавфларни баҳолаш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари ҳам бугун ўта муҳим. Шу туфайли ЕТТБ кўмагида мазкур йўналишлар бўйича банк хизматчилари малакасини ошириш ҳам самарали бўлиши шубҳасиз.

**Учинчи йўналиш** инфратузилмаларни ривожлантириш учун инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган. Бу бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, “Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизими самарадорлигини ошириш” лойиҳасини рўёбга чиқариш кўзда тутилган эди. Бу борадаги муҳим ишлардан бири сифатида ЕТТБ билан қарз битимини имзолаш масаласи кўзда тутилганини таъкидлаш жоиз. Бунда лойиҳани бажариш ва харид қилиш тартиб-таомиллари келишиб олингани икки томонлама муносабатларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. “Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини тиклаш”, “Наманган шаҳрида сув таъминоти ва канализация тизимини тиклаш”, “Питнак шаҳрида сув тозалаш иншоотларини тиклаш ва Хоразм вилоятининг 6 та туманида ичимлик сув таъминоти-ни яхшилаш” лойиҳалари ҳам шерикликдаги самарали ишлардан бўлди.

“Тошкент шаҳрида сув таъминоти тизимини тиклаш” лойиҳасининг умумий қиймати 25 миллион АҚШ доллари бўлиб, бу маблағнинг ҳаммасини тўлиқ ўзлаштириш мuddати келишиб олинган. Шунингдек, Топилмаржон ИЭС-ни 900 мегаватт қувватга эга шўимча мўлдат қурилмасини қуриш билан кенгайтириш” лойиҳасини молиялаштириш ҳам аҳамиятли келишувлардан биридир. Ўшбу объектнинг умумий қиймати 225 миллион долларга баҳоланган. Молиялаштириш жараёни 2019 йилдан бошлангич, ҳар йили 60 миллион доллардан кам бўлмаган маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган.

**Тўртинчи йўналиш** молия секторини ҳамкорлик қилишни назарда тутаяди. Бунда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жараёнда Уэмиллийбанк учун кредит линиясини очиб масаласи ҳам устувор вазифалардан биридир. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 70 миллион долларни ташкил қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда савдо соҳасини молиялаштиришга қаратилган дастур бўйича “Ҳамкорбанк” АТБ учун кредит линиясини очиб кўзда тутилган. Ўшбу лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллар бўлиб, 2019 йилдан бошлаб 17,5 миллион доллардан кам бўлмаган ҳолда ажратилган маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, “Ипотека-банк” АТББ, “Давр банк” ХАТБ, “Ипак йўли” АИТБ учун кредит линияси очилган.

**Бешинчи йўналишда** давлат корхоналарини ислоҳ этиш ва хусусийлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда бошқарувнинг корпоратив усулларини жорий этиш режалаштирилган. Мазкур йўналиш бўйича ҳам бир қанча аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хусусийлаштириш масалалари бўйича хориқлик мутахассисларни ваколатли давлат органларига ишлаш учун жалб этиш шўлар жумласидан. Яна бир муҳим жиҳат шуки, давлат улушини кейинчалик хориқлик инвесторларга сотиш учун корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг ташкилот билан ҳамкорлиги истиқболли, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган йўналиш ва соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Самарқанд саммити мана шу ҳамкорликнинг миқёси ва кўламини янада кенгайтиришга, жараён иштирокчилари ва инвесторларни жалб этишга хизмат қилади.



ИННОВАЦИЯ

# СУВ ИҚТИСОДИЁТИ

## Танқислик муаммосининг ечими нимада?



Авазбек ХУДОЙКУЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бундай ҳолатнинг давом этиши минтақадаги музликлар эришиши, табиий офатлар тез-тез такрорланишини, курғоқчилик ва сув тақчиллигини янада кучайтириши, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига тиклаб бўлмас зарар етказиш эҳтимолини оширади. Чўлланиш ва ерлар деградацияси жараёнининг тезлашиши эса ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда минтақамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қарийб 37 фоизи деградацияга учраган. Сўнгги 50 йилда минтақа мамлакатларида чўлланиш ерлар ҳажми 20 фоизга ошган. Баъзи ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари 40 фоиз, айрим жойларда 100 фоизгача деградацияга учраганини кўриш мумкин.

Бу муаммолар минтақа аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам

Пойтахтимиздаги Марказий Осиё елқаро институтида "Марказий Осиёдаги сув масалаларига ниҳог" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда ҳам айна жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш, ушбу муаммоларни ҳал этишда инновацион билим ва тажрибаларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

### Яшил майдонларни кенгайтириш

Халқаро экспертлар фикрича, бундан 30-40 йил кейинги давр учун башорат қилинаётган прогнозлар жуда салбий. Демак, минтақамизни яқин келажакда сув танқислиги билан боғлиқ жиддий муаммо кутяпти. Модомики шундай экан, тахмин қилинаётган муаммонинг олдини олиш ёки салбий таъсирини юмшатиш мумкинми? Соҳа мутахассислари фикрига кўра, мумкин, албатта. Фақат ҳозир, имкон борида, бугундан киришиш шарт. Акс ҳолда, кеч бўлади.

Касаликни даволагандан унинг олдини олиш кўплаб муаммога ечим бўлади, деган таърифни кўп эшитганмиз. Масалга шу нуктаи назардан қаралса, англашиладики, музликлар эриб битиши ва унинг ортидан кучаядиган сув танқислигининг олдини олиш ёки салбий таъсирини камайтириш учун, биринчи навбатда, экологик барқарорликка эришиш талаб этилади.

Бир пайтлар чўлланиш ўзлаштириш асосида Сирдарё ва Амударёдан режасиз олинган сув хисобига Орол денгизига бориб қуйилаётган сув миқдори кескин камайиб, ҳозирги манзара юзага келган. Энди эса музликлар эриши, кен бўронлари даврийлиги ва уларнинг ортиб бориши, ерларнинг деградацияга учраши, сув ресурсларининг тақчиллиги каби салбий кўринишларда намоян бўлаётган Орол денгизи фалокати минтақамизда иқлим ўзгаришини икки баробар тезлаштирди. Бир-бирига чамбарчас боғлиқ

Яшил майдонларни кенгайтириш ишлари нафақат Орол ҳудуди, балки юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида уюшқоқлик билан олиб борилапти. Бундай ҳудудларни кўпайтиришда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йили эълон қилинган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш, пировардида юртимиздаги яшил майдонлар ҳажмини 8 фоиздан 30 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Умуммиллий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган қисқа вақт давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда миллион гектардан ортиқ майдонда дарахтзор ва "яшил жамоат парклари" ташкил этилди.

Яшил майдонлар кенгайиб бориши атмосфера ҳавосини яхшилашга, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яшиллик борасидаги саъй-ҳаракатлар мавжуд муаммо оқибатларини енгилаштиришга имкон яратади, лекин муаммога тўлиқ ечим бўла олмайди. Айтилик, сув танқислиги масаласи. Яшил майдонларни кенгайтириш хисобига глобал иссиқ жараёнини тўхтатиш ёки секинлаштириш, натижада музликлар ва дарёларда мувозанатни сақлаб қолиш мумкин, аммо чучук сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши эвазига охиради тақчиллиги кўламини ортиб борапти.

— Дунёда сув танқислигининг ортиб бориши, бир томондан, табиий жараён, — дейди Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими Комилжон Қўзиёв. — Чунки сайёрамизда аҳоли сонни кўп, демак шунга мос равишда эҳтиёж ҳам муттасил ўсиб борапти. Бошқа томондан эса глобал иқлим ўзгаришлари натижасида чучук сув захиралари ҳажми қисқармоқда. Ер юзиде қарийб 1,1 миллиард киши у ёки бу даражада сув танқислигидан азият чекаётир. Бу ҳолатда муаммога ягона йўл тежамкорлик ҳисобланади.

Сувни тежаш ҳақида гап кетганда, кўпчилигимиз одатда томчилятиб, ёмғирлятиб, дискрет усулда суғориш каби сув тежовчи технологияларни тушунаемиз. Аслини олганда ҳам бу суғориш усуллари катта миқдорда сувни тежашга имкон яратиши билан аҳамиятлидир. Айна шу боис, мамлакатимизда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аграр сектор вакилларига бу борада қатор имтиёзлар берилиши йўлга қўйилгани эса унинг тобора оммалашувиغا хизмат қилмоқда.

### Бир метр куб сувдан ким қанча даромад оляпти?

Мутахассислар фикрича, дунё миқёсида яратилаётган янги иш ўринларининг 75 фоизи сув ресурслари мавжудлиги омили билан боғлиқ. Ушбу боғлиқлик таъсирини камайтириш учун тармоқда тарихий ўзгаришларни амалга ошириш керак бўлади. Бу зарур



— Бу кўрсаткич мамлакатларнинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг улушига қараб қилинади, — дейди Комилжон Қўзиёв. — Лекин ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалигининг умумий сув истеъмолдаги улуши 30 фоиздан пастга тушмайди.

Сув ресурсларининг тармоқ тақсимида кўра, Покистон, Эрон, Индонезия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон каби мамлакатларда жами сувнинг 90 фоиздан ортиги қишлоқ хўжалигига сарфланади. Юқори даромадли мамлакатлар, масалан, АҚШда сувнинг ишлатилган улуши саноатда кўпроқ — 46 фоиз. Японияда эса уй-жой коммунал хизматларида сувнинг

кўб сув талаб қилинишидан келиб чиқиб, овқатланиш одатининг ўзгариши 1,4 миллиард аҳолиси бор Хитойда фақат гўшт ишлаб чиқариш учун сувга бўлган талаб йилга 390 километр кубга ошади. Бу тахлиллар сувга талаб юқори бўлган соҳаларни илжо борича камлари билан алмаштириш кераклигини кўрсатади.

Марказий Осиёда шаклланидиган сув ресурсларининг 70 фоизи трансчегаравий дарёлар ҳиссасига тўри келади. Сирдарё ҳавзасининг кўп йиллик ўртача оқими 36 километр кубни, Амударёда эса 78 километр кубни ташкил этади. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида йилга ўртача ҳисобда

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 тонна соя ишлаб чиқариш учун Ҳиндистонда 4 минг 124 метр куб, Индонезияда 2 минг 30 метр куб, Бразилияда 1 минг 76 метр куб сув зарур бўлади. Дунё бўйича эса бу кўрсаткич ўртача 1 минг 789 метр кубни ташкил этади.

Гўшт ишлаб чиқариши оладиган бўлсак, Нидерландияда бир тонна мол гўшти учун 11,6 минг метр куб, Россияда 21 минг метр куб ва Мексикада 37,7 минг метр куб сув сарфланади. Ёки Австралияда 1 тонна гурuch ишлаб чиқариш учун 1 минг 22 метр куб сув сарфланади, Бразилияда бу кўрсаткич 3 минг 82 метр кубни ташкил этади.

### 2020 йилда иқтисодий тармоқлар кесимида сув ресурсларидан фойдаланишнинг таққослама таҳлили

Давлат	Ер усти ва ости манбаларидан сув олиш, йилга км³	Аҳоли жон бошига сув олиш, йилга м³	Уй-жой коммунал хўжалиги		Саноат		Қишлоқ хўжалиги	
			Киши бошига йилга м³	%	Киши бошига йилга м³	%	Киши бошига йилга м³	%
Хитой	578,9	425	52	12	99	23	266	63
АҚШ	482,2	1518	193	13	699	46	626	41
Германия	38	463	57	12	314	68	92	20
Ўзбекистон	54,3	1899	100	5	43	2	1756	89

ишлатилиши 20 фоизни ташкил қилади.

Дунёда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ишлатилган ҳар бир куб метр сувдан қанча маблағ ишлаб топилгани билан баҳоланади. Шу нуктаи назардан қараганда, ушбу мамлакатлар иқтисодиётида сувга талаб юқори бўлган соҳалар улуши кичиклиги сабабли ишлатилган сувнинг маҳсулдорлиқ кўрсаткичи даромади ўрта ва паст давлатлардагига нисбатан анча юқори.

Масалан, Япония иқтисодиётида ўртача ҳар бир метр куб ишлатилган сув ЯИМга 53,5 доллар олиб келади. АҚШда эса бу кўрсаткич 23,5 долларни ташкил этади. Бошқа мамлакатларда ушбу кўрсаткич жуда паст. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ушбу мамлакатларда сув тақчиллигини келтириб чиқаради. Масалан, 1985 йилда Хитойда аҳоли жон бошига йилга ўртача 20 килограмм гўшт истеъмол қилинган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 53,5 килограммга етди. БМТ экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, 1 тонна озуқа дон ишлаб чиқариш учун ўртача минг метр

52-56 километр куб сув ишлатилади. Шундан йиллик ўртача 22 километр куб Сирдарё ҳавзасига, қолган қисми Амударё ҳавзасига тўри келади. Шунингдек, Сирдарё ҳавзасида 6,3 километр куб, Амударёда 5,1 километр куб сув ресурслари Ўзбекистон ҳудудида шаклланади, қолган катта қисми трансчегаравий дарёлардан олинади.

Global Village Space экспертлари баҳолига кўра, иқлим ўзгариши ва қўшни мамлакатларда сув истеъмолнинг ортиши Ўзбекистоннинг Амударё ва Сирдарё каби дарёларидан сув олиш имкониятини чеклайди. Бунинг натижасида курғоқчилик ва чўлланиш жараёни янада кучайиши, бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасига жиддий таъсир қилиши мумкин.

### Қишлоқ хўжалигида сув сарфини қандай қисқартириш мумкин?

Юқорида қайд этиб ўтилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ишлатилаётган сув ресурсларининг энг катта қисми (89,7 фоиз) қишлоқ хўжалиги, 5 фоизи коммунал хўжалик, 2 фоизи саноат тармоқлари, қолган қисми бошқа тармоқлар ҳиссасига тўри келади. Бу кўрсаткич АҚШ, Германия ва Хитой каби давлатларникидан анча фарқ қилади.

Мамлакатимизда суғориладиган майдонларнинг катта қисми (70 фоиз)ни сув кўп талаб қилувчи экинлар — пахта ва галла ташкил қилади. Шу сабабли сув танқислиги юзага келадиган вазиятда иқтисодий йўқотишлар хавфи анча юқори.

### Сувни кўп ва кам талаб қилувчи маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган сувнинг таққослама таҳлили

Кам сув талаб қилувчи маҳсулот тури	Сув сарфи (ўртача 1 тоннага)	Кўп сув талаб қилувчи маҳсулот тури	Сув сарфи (ўртача 1 тоннага)
Ковул (каперс)	500 м³	Гуруч	3082 м³
Чўл жўхори (ем-ҳашак учун)	700 м³	Буғдой	2375 м³
Сояла спаржа	1000 м³	Соя	3082 м³
Қўй ва эчки гўшти	1500 м³	Мол гўшти	15 497 м³



жиддий таҳдид солиш эҳтимоли катта. Қолаверса, музликлар узоқ муддат сақланиб турадиган чучук сув манбаи ҳисобланади. Марказий Осиёдаги энг

табиатдаги бу каби ўзгаришлар, ўз навбатида, яна кўплаб бошқа муаммолар юзага келишига замин яратди. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги

### 2010-2020 йилларда дунё мамлакатлари тармоқларида сувдан фойдаланишнинг таркибий таҳлили (фоиз ҳисобида)

Мамлакат/мамлакатлар гуруҳи	Қишлоқ хўжалиги, ЯИМдаги улуши	Умумий сув олишда қишлоқ хўжалиги улуши	Саноат, ЯИМ улуши	Умумий сув олишда саноат улуши
Юқори даромадли давлатлар	1,6	42,7	26	37,5
Ўрта даромадли давлатлар	10,4	74,9	36,2	4,8
Паст даромадли давлатлар	29,8	85,8	23,3	13,7
Дунё	3,2	67,3	27,6	20,3
АҚШ	1,2	40,7	21,9	45,7
Европа иттифоқи	1,9	23,9	26,3	56,4
Бразилия	6,1	57,5	27,8	17,7
Хитой	12,2	64,6	46,5	23,2
Ҳиндистон	31,9	91,1	27,2	1,8

йирик Сирдарё ва Амударёнинг Орол денгизига бориб қуйилиши кўп жиҳатдан мавсумий қор ва музликлар эришишига ҳам боғлиқ. Прогнозларга кўра, 2050 йилга келиб, Сирдарёда сув ҳажми 5 фоиз, Амударёда эса 15 фоизгача камайиши мумкин. Бу ҳам аҳоли турмуш тарзи ва улар яшайдиган ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги нуқолай экологик шароит табиий офатларни юзага келтирмоқда ва бу минтақа давлатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий хавф туғдиради.

йилларда Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, яшил ҳудудларни кенгайтиришга жиддий ва алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Орол денгизининг қуриган қисмида биргина ўтган йили 107 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этилди. Бундай майдонлар ҳажми 1 миллион 620 минг гектарга етказилган. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, яна 100 минг гектар майдонни "ўрмонзорлаштириш" режалаштирилган.

рат кўпгина мамлакатлар иқтисодиётида сув талаб қилувчи тармоқлар устуворлиги сақланиб қолаётгани билан ҳам изоҳланади. БМТнинг "Сув ресурслари ва иш ўринлари" ҳисоботида сув тақчиллиги ва санитария хизматларидан фойдаланиш муаммолари дунё мамлакатларининг иқтисодий ўсиш ва иш ўринлари яратишига тўсиқлик қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Дунёда мавжуд барча чучук сувларнинг тахминан 70 фоизи қишлоқ хўжалигида суғориш учун ишлатилади.

Албатта, мавзуга оид мавжуд муаммолар фақат таҳлил қилиниб қолмапти. Мамлакатимизда иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларини таъсирини юмшатиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, экология барқарорлигига эришиш, сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатлар нафақат бугунги кунимиз, шу билан бирга, юртимиз равнақи, келажак авлод истиқболи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.



## ДОЛЗАРБ МАВЗУ


## ТОШКЕНТ АРИҚЛАРИ

## Уларни сақлаб қолишда рақамлаштириш қанчалик муҳим?

**Камолитдин ФАЙЗУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳри ҳокимлиги  
хузуридаги Рақамли  
ривожланиш департаменти  
директори ўринбосари,  
**Қобилбек КАРИМБОЕВ,**  
департамент геодезисти

Сал кучлироқ ёгин бўлса, пойтахт кўчаларида юриш қийинлашапти. Ҳамма ёқни сув босади. Бунга жорий баҳорда кузатиш ва жамоатчилик орасида кенг муҳокамага сабаб бўлган ҳолатлар ҳам яққол мисол. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шаҳарларнинг бош режасини ишлаб чиқишда уларнинг меъморий қиёфаси ва экологик талаблар инobatта олиниши баробарида инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишда инновацион ечимларга таяниш зарур. Шу боис, мазкур долзарб масала — пойтахтнинг сугориш, дренаж ва ёмғир сувларини чиқариш тизимларини лойиҳалаштириш ҳамда бошқаришда рақамли технологияларни қўллаш бўйича мулоҳаза юритишга қарор қилдик.

Авалло, айтиш кераки, кейинги йилги беш йил давомида Тошкент аҳолиси кўпайиши ва ҳудуди кенгайиши ортидан янги яшаш массивлари барпо этилди, санат корхоналари пайдо бўлди. Шунинг ҳисобига инфратузилма объектларига юклама кескин ошиб кетди. Боз устига, уларни соз ҳолатда сақ-



Тошкент ариқлари ва яшил ҳудудлари харитаси (1865 йил)

лаш, реконструкция қилишга йиллар давомида етарли эътибор қаратилмади. Сугориш ариқлари кўмиб юборилиши ҳамда дренаж тизимлар тўлиқ ишламаслиги натижасида Тошкент шаҳри кўчаларида сув топиши тез-тез кузатила бошлади.


## ТАРИХГА НАЗАР

Ўқувчиларга тушунарлироқ бўлиши ва мавзунини кенгроқ ёритиш мақсадида Тошкент ариқларининг бир ярим аср олдинги ҳолатини таҳлил қилсак. Бунинг учун шаҳарнинг 1865 ва 1960 йилги ҳолатини акс эттирувчи харитага мурожаат қиламиз.

Гап шундаки, 1865 йилги харита архив хужжатларига таянган ҳолда олиб борилган изланишлар натижасида тузилган бўлиб, унда кўнра кентнинг маҳаллалари, масжид ва мадрасалари, бозорлари, шунингдек, 12 та дарвозаси ҳамда қалъа девори аниқ кўрсатилган. Шунингдек, Тошкент қалъаси ичидаги ариқлар тизими ҳам тасвирланган бўлиб, маълумотларда келтирилишича, ҳар бир хонадон ариқ орқали тоза ичимлик сув билан таъминланган.

А.И.Добрословнинг "Тошкент: кеча ва бугун" ("Ташкент: прошлом и настоящим", 1912 йил) китобида Тошкент шаҳри ва атрофидаги ҳудудлар ирригация тизимининг 1887 йилги ҳолати акс эттирилган экан, Бўзусу каналдан 12 та йирик ариққа сув олиниши ва уларнинг умумий узунлиги қарий 242 километр экани қайд этилди.

Шунингдек, мазкур китобда йирик ариқлардан сув оладиган 83 та ариқнинг номи ва узунлиги келтирилган. Бундан англашадигани, шаҳарда



арикларга ҳар доим эътибор юқори бўлган.

Тошкент шаҳри 1865-1960 йилларда, асосан, шарқ томонга кенгайди, бу пойтахтнинг мазкур йиллардаги ҳолатини тасвирловчи хариталарда яққол кўринади. 1960 йилга келиб, унинг ҳудуди 15 минг 572 гектарни ташкил этган бўлсада, эски шаҳарда ариқлар тизими 1865 йилдагига нисбатан кескин ўзгармаган.

1966 йилги зилзиладан кейин пойтахтни қайта қуриш жараёнида ирригация тармоғи замонавий инфратузилмага айлантирилди. Ер ости коллекторлари ва дренаж тизими барпо этилди. Ариқларга бетон қоплама ётқизилди. Мавзеларда бетон ариқлар (лотоклар) пайдо бўлди. Баъзи ариқлар ер ости коллекторларига айлантирилди.

**“**ТОШКЕНТ ШАҲРИ 1865-1960 ЙИЛЛАРДА, АСОСАН, ШАРҚ ТОМОНГА КЕНГАЙДИ, БУ ПОЙТАХТНИНГ МАЗКУР ЙИЛЛАРДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАСВИРЛОВЧИ ХАРИТАЛАРДА ЯҚҚОЛ КўРИНАДИ. 1960 ЙИЛГА КЕЛИБ УНИНГ ҲУДУДИ 15 МИНГ 572 ГЕКТАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БўЛСА-ДА, ЭСКИ ШАҲАРДА АРИҚЛАР ТИЗИМИ 1865 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН КЕСКИН ўЗГАРМАГАН.


филиалда 1 минг 800 ишчи-мутахассис меҳнат қилган.

Шу ўринда ирригация ёки сугориш тизимига алоҳида тўхталиб ўтсак. У шаҳар ҳудудидаги ўсимликларни сув билан таъминлашга мўлжалланган муҳандислик тармоғи ҳисобланади. Сугориш тизими объектларига, асосан, каналлар, ариқлар, бетон ариқлар (лоток), насос станциялари ва бошқа объектлар кирди. Дренаж тизими эса ер ости суви сатҳи тупроқнинг унумдор қатламига ва биноларга зиён етказадиган даражада кўтарилиб кетмаслигини таъминлаш учун яратилган гидротехник иншоотлар бўлиб, улар, асосан, икки турга — горизонтал ва вертикал дренажга бўлинади. Горизонтал дренаж очик ёки ёпиқ кўринишдаги ариқсимон иншоот бўлиб, уларнинг баландлиги (ёки ер юзасидан чуқурлиги) ер ости суви сизиб чиқиши учун мақбул бўлган сатҳга эга бўлади. Вертикал дренаж ер тубига вертикал қазилган қудуқ бўлиб, улар орқали насослар ёрдамида ер ости суви тортиб олинади ва сатҳи мақбул баландликда сақлаб турилади. Одатда дренажлардан оқиб чиққан сув коллектор деб аталадиган каналсимон иншоотларда йиғилиб, улар орқали хавф туғдирмайдиган ҳудудга оқизиб юборилади.

Ёмғир сувларини оқизиб чиқариш тизими — ёмғир сувларини шаҳар ҳудудидан талафотларсиз олиб чиқишга хизмат қиладиган муҳандислик иншоотларидан (насос станциялари, бетон ариқлар, каналлар ва бошқалар) иборат тармоқ.

Дастлабки ўрганиш натижаларига кўра, бугунги кунда Тошкент шаҳри ҳудудида канал ва ариқлар 533 километр, бетон ариқлар 1 минг 213 километр (шундан йўл остидаги қувурлар 120 километр, дренаж тизими 60,5 километр ва коллектор 206 километр, ёмғир сув-

ларини оқизиб чиқариш иншоотлари 18,6 километр)ни ташкил этади (хатлов тўлиқ ўтказилмагани учун ушбу маълумотлар расмий манбалардагидан фарқ қилиши мумкин). 2021 йилда Тошкент шаҳри кенгайиши ҳисобига (умумий майдони 43 минг 863 гектар) пойтахт



EPA Storm Water Management Model (SWMM) дастурий таъминотида subcatchment яратиш (Чорсу бозори мисолида).

ҳудудига қўшилган ер майдонларида 132,5 километр ирригация иншоотлари мавжуд бўлиб, ҳозирча улар шаҳар ташкилотлари балансига ўтказилмаган. Барча объектлар рақамли электрон харитага киритилган.

## МУАММО НИМАДА?

Пойтахт ҳудудидаги ёмғир сувларини оқизиб чиқариш тизими, дренаж ва ирригация тармоғи объектларига хизмат кўрсатишга Автомобиль йўллари қўмитасининг 3 ташкилоти, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда Каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси жалб қилинган. Айни вақтда Ободонлаштириш бош бошқармасининг мазкур соҳадаги вазифалари унинг таркибидagi юридик шахс мақомига эга 8 та бошқармага юкланган. Бунга пойтахт туманлари Ободонлаштириш бошқармалари таркибида фаолият кўрсатаётган кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлимларини қўшсак, мазкур соҳанинг бошқариш тизими тарқоқ ҳамда ўта мураккаб эканига гувоҳ бўламиз. Бундай бошқарув тизимида мақбул қарорни тезкор қабул қилиш, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва муаммоларни комплекс ечиш имконияти йўқ.

Соҳани бошқаришдаги яна бир камчилик объектлар тўлиқ хатловдан ўтказилмаганидир. Урганишларда ҳозирги кунда 5,8 километр дренаж ва

нинг 1 минг 170 метр ва 730 метрли қисмлари, Сергели туманининг Номданак ва Хонобод маҳаллаларида Янги Қўйлик каналининг 2 минг 880 метрли қисми яқка тартибдаги турар жойлар қурилиши натижасида кўмиб юборилган. Қолаверса, йўл қурилиши ёки тадбиркорлик объектлари барпо этиш жараёнида ҳам дренаж тизимлар йўқ қилингани ҳақида маълумотлар бор.

## ЕЧИМ ВА ТАКЛИФЛАР

Очиги, ёмғир сувларини оқизиб чиқариш ва дренаж тизими, ирригация тармоғини соз ҳолатда сақлаш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш осон эмас. Бунинг учун инновацион технологияларни татбиқ қилиш, соҳани рақамлаштириш лозим. Улар вазифасига кўра бир-биридан фарқ қилса-да, узаро чамбарчас боғлиқ. Ёмғир сувини оқизиб чиқариш тизими объектдан баъзан ирригация тармоғи объекти сифатида, дренаж тизими объектдан эса ёмғир сувини оқизиб чиқариш тизими объекти сифатида фойдаланиш мумкин. Шунинг учун бу соҳаларни биргаликда ўрганиш ва муаммоларини комплекс ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур соҳаларни куйидаги йўналишларда рақамлаштириш юқори самара беради:

— объектларнинг геолокацияси, тавсифи ва миқдор кўрсаткичини ўзида муҳассаб этган ягона географик ахборот тизими, яъни ГАТни яратиш;

— ёмғир сувини оқизиб чиқариш жараёнини компьютерда махсус дастурлар ёрдамида моделлаштириш натижаларига кўра тизимни реконструкция қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва шу лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишларини бажариш;

— ёмғир сувини оқизиб чиқариш, дренаж тизими ва ирригация тармоғи объектларини бошқаришни рақамлаштирилган инновацион тизимга ўтказиш.

Объектларнинг географик ахборот тизимини яратиш учун махсус дастурий таъминотлар (ArcGIS, MapInfo ва бошқалар)дан фойдаланилади.

Объектлар (каналлар, ариқлар, лотоклар, ер ости қувурлари, коллекторлар, гидростоллар ва бошқалар)нинг дала ўлчов ишлари ҳамда хатлов натижаларига кўра олинган маълумотлари махсус дастурий таъминотлар базасига киритилиб, рақамли харита яратилади.

Шақлантирилган маълумотлар базасига ҳар бир объектнинг геолокацияси, узунлиги, баландлиги, диаметри, материали ва бошқа тавсифлари киритилади.


Ёмғир сувини оқизиб чиқариш жараёнини моделлаштиришда шаҳар ҳудуди йирик каналлар орасида жойлашган ҳавзаларга, ҳавзалар эса ҳавзачаларга (инглиз тилида "subcatchment" дейилади) рельеф ва ер устидаги ҳолатни (йўллар ва иншоотлар жойлашувини) ҳисобга олган ҳолда бўлиб чиқилади. "Subcatchment"нинг ҳар бири учун ёмғир сувини олиб чиқиш жараёни моделлаштирилади. Шунингдек, моделлаштириш учун жаҳон координатлар тизими (WGS-84) асосида яратилган маҳаллий координатлар тизимидан фойдаланиш ҳамда ҳудуднинг аниқ локал геодидини ҳисоблаб топиш яхши самара беради.

Ривожланган давлатларда махсус дастурий таъминот ёрдамида моделлаштириш натижаларини интеллектуал таҳлил қилиш ва ақли датчиклардан фойдаланиш амалиёти қўлланади. Датчиклар ёмғир миқдорини ўлчаш учун ёмғир сувини олиб чиқиш иншоотлари, гидростоллар ва бошқа объектларда ўрнатилади. Барча маълумотлар вазиятлар марказида онлайн йиғилади ва мутахассислар муаммонинг ечими бўйича тезкор таклифлар ишлаб чиқади. Бундай инновацион ёндашув катта иқтисодий талафотлар ва аҳоли учун туғилдиган нуқулалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёмғир сувини оқизиб чиқариш, дренаж ва ирригация тармоқларини реконструкция қилишни тизимли ташкиллаштириш, рақамли технологиялар ва инновацион ечимларни қўллаш орқали соҳадаги муаммоларни узоқ муддатга бартараф этиш мумкин.



Тошкентнинг 1960 йил ҳолатидаги ариқлар ва яшил ҳудудлар харитаси (Эски шаҳарни аниқ кўрсатиш учун 1865 йилги қалъа девори акс эттирилган).



EPA Storm Water Management Model (SWMM) дастурий таъминотида ёмғир сувлари канализациясини моделлаштириш жараёнидан лавҳа (Чорсу бозори мисолида).



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ТЕНГ ИМКОНИЯТЛИ ВА ҲАҚУҚЛАШҚАН ТАЪЛИМ

Таклиф ортса, танлов ҳам кенгайди

Дунёда инсон ҳуқуқлари деган олий тушунча бор. Бу ҳар бир кишининг жамиятда мавжуд барча имкониятлардан бирдек ва барча қатори тенг фойдалана олишини аниқлатади.



Гофуржон МУҲАМЕДОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, профессор

Шу боис, юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга тўқиб қўйиш зарур.

Бу борада ҳар бир йўналишга жиддий эътибор қаратилаётгани боиси шунда. Улардан бири, албатта, инклюзив таълимнинг ривожлантириши масаласидир.

Ҳозир ногиронлиги бўлган болаларнинг умумтаълим мактабларига интеграциялашуви инклюзив таълим тизими ривожидagi табиий босқичга айланган.

Кенг имкониятлар тақдим этиш мажбурияти билан боғлиқ.

Таълим билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни бўлиб, кишини ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир.

Таълим сифати билан бирга шароит ҳам муҳим

Ўзбекистонда оилавий шароитдан қатъи назар, барча болалар давлат умумтаълим мактабларига қатнашиди. Бу давлат томонидан қафолатланган.

Жумладан, 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонунга илк бор инклюзив (уйғунлашган) таълим тушунчаси киритилди.

Бунинг учун жадал амалий ҳаракатлар қилинапти. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Ногиронлар ҳуқуқлари ҳақидаги декларацияси халқаро тажрибани ўрганишда қўл келмакда.

Шу ўринда инклюзив таълим тушунчасига тўхталасан. Ушбу сўз "уйғунлашмоқ", "уйғунлаштириш", "қамраб оломоқ", "жалб қилмоқ" маъноларини беради.

Бўлган ва оддий болалар ўртасидаги тўқиб қўйиш бартараф этишга қаратилган таълим шаклидир. Бунда ривожланишда учрайдиган нуқсонлар ва иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар, имконияти чекланган болалар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнига жалб этилади.

Инклюзив таълим расмий таълим тушунчасидан анча кенгрок. Бу таълимда кўпроқ ўқиш, ўрганиш учун имконияти чекланган болалар билан ишланади.



Бош омил ҳисобланади. У инклюзив таълимнинг асосий шартлари ва таълим сифати масъулиятини ўз зиммасига олиши шарт.

Яна бир омил — ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ҳуқуқчилар учун ҳамкорлик ва ўзаро фикр алмашиш муҳим. У ўз фаолиятини тизимли баҳолаб бориши, малакасини мунтазам ошириши, алоҳида таълим эҳтиёжлари бор болаларнинг интизомли ва муассасаларро гуруҳлар билан самарали ишлаши учун лидерлик ҳамда бошқарув малакаларини қўллаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, кенг қамровли мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби ҳисплатлар эга бўлиш керак.

Инклюзив таълимнинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, болалар ва ўқитувчи бир-биридан ўрганида ҳамда муаммоларни бирга ҳал этади. Бу таълим бир томонлама бўлмастлиги дерак. Демак, инклюзив таълимда педагог маҳорати муҳим аҳамиятга эга.

Яъни умумтаълим мактабига борадиган имконияти чекланган болаларга ўқитувчи алоҳида ёндашиши керак бўлади. Кичик синф ўқувчилари ногиронлиги бор болалар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмади.

Малакали кадрлар зарур

Мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, сифат жиҳатидан тақомиллаштириш бориш мақсад қилинган экан, бу йўналишда педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Биргина Чирчиқ давлат педагогика университети мисолида оладиган бўлсак, инклюзив таълим йўналишидаги

тайёрлаш бўйича тифлопедагогика йўналишига талабалар қабул қилинди. Очиги, соғлом инсонлар бу таълим тизимини касб сифатида қабул қилса-да, бошида унга киришиб кетиши қийинроқ кечади.

Албатта, таълимнинг барча шаклида назарий билимларни амалиёт билан уйғун олиб бориш жуда муҳим. Талаба ўқиш давомида эгаллаган кўникмаларини реал фаолиятда қўллаб кўрсатса, янада яхшироқ ўзлаштириши тажрибада ўз исботини топган.

Алоҳида эҳтиёжга эга, аммо умумтаълим мактабларига қатнаш олмайдиган болаларнинг уйда ва яқна тартибдаги таълимни ташкиллаштириш мақсадида кафедранинг 83 нафар талабаси маҳаллабй тарзда "Бир сафда волонтерлар ҳаракати"га жалб этилди.

Бу йўналишда халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Чунки инклюзив таълим жаҳон тажрибасида ҳам мавжуд ва бу борада сезиларли ютуқларни қайд этган давлатлар тажрибасини ўрганиш зарар қилмайди.

Утган ўқув йилидан бошлаб университетда мамлакатимизда илк бор кўзи ожиз болалар таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи педагогларни

йўналтирилган. Келишувимизнинг асосий йўналиши профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишини ташкиллаштириш, икки томонда ўтказилган семинар-тренингларда иштирокини таъминлашдан иборат.

Айни пайтда университетимизнинг махсус педагогика кафедраси инклюзив таълимни жорий этиш бўйича юртимизда етакчилик қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инклюзив таълим шароитида фанларни ўқитиш бўйича ўқитувчиларнинг саволларига жавоб беришни фанлар кесимида адаптир дастурлар ишлаб чиқилган. Шу мавзуда кўплаб докторлик диссертациялари ёқланмоқда.

Умуман, бу борадаги ишларимиз талабига. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болаларга нафақат сифатли таълим бериш, балки жамият уларни барча қатори қабул қилиши, улар ҳам шу юртинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида барча имкониятлардан бирдек фойдаланишига эришиш мақсад қилинган.

ИЖОД МАКТАБЛАРИ

"ИЛДИЗИ БИР, ШОХИ МИНГ БЎЛАР ДЕМАК..."

"Жайхун қиргоғида ўсган бойтерак, Илдизи бир, шохи минг бўлар демак..." Ушбу сатрлар муаллифи — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов.

Мактаб 216 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда 10 та синфда 195 ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

— Мактабимиз ўқувчилари Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларидан танлов асосида қабул қилинган. Ёш таржимонлар, компьютер графикаси, тасвирий санъат, аудиовизуал асарларни яратиш ва қайта ишлаш, актёрлик маҳорати, тикувчилик ва миллий мусиқа асбоблари йўналиши каби ихтисослаштирилган тўғрақларимизга 121 нафар ўқувчи жалб этилган.

— Мен 5 йилдан буён шу мактабда билим олаётман. Шериятга бўлган қизиқиш мени ижод мактабига таълим олишга ундаган, — дейди 9-синф ўқувчиси Самат Абдураҳимов. — Мактабимиздаги "Шуъла" тўғраги аъсосиман. Биз тўғрақда жаҳоннинг буюк ёзувчи ва шоирлари асарларини ўқиб-ўрганиш билан бирга, ўзимиз ёзган ижод намуналарини устозлар билан таҳлил қилиб борамиз.

— Мен келажакда қорақалпоқ адабиётининг энг сара асарларини инглиз тилига таржима қилиб, дунёга танитишни мақсад қилганман. Инглиз тилини чуқур ўрганишимиз учун мактабимизда барча шароит яратиб берилган.

— Ушбу мактабда билим эгаллаб, айни пайтда хорижий университетларда таҳсилни давом эттираётганлар ҳам талабига. 2021-2022 ўқув йилида мактабимиз 41

нафар ўқувчи битирган бўлса, 39 нафари маҳаллий ва 2 нафари чет эл олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Шулардан бири Райхон Бахтибоева Корея Республикасида таълим оляпти.

Умуман, ушбу даргоҳда ўқиш истагини билдираётганлар жуда кўп. Лекин билими кучли, истеъдодли ёшларига саралаб олинмоқда. Биргина мисол. 2022-2023 ўқув йилида 7-синф қабули учун 345 нафар, 9-синфга 88 нафар ўқувчи ҳужжат топширган эди.

— Ҳуқуқчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Аъзий избосарлари" заковат, турли гоъвий хатлардан ҳимоялаш иммунитетини шакллантириш мақсадида "Мунозара" интеллектуал ўйинлари ташкил этилган.

Ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётининг энг сара 100 та асари рўйхати тузилиб, уларнинг доимий мўтолааси йўлга қўйилган, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Алишер Мадаминов.

— Уқувчиларимизни ўзлари яшаб турган ҳудуднинг тарихи билан яқиндан таништириб боришга ҳаракат қилмакчимиз. "Юртин тарихини ўрганамак" шиори остида тарихий жойларга саҳатлар уюштирилди.



— Утган йили Буюк Британиядаги Оксфорд ва Кембриж университетлари томонидан ўтказилган халқаро ишловлар танловида грант соҳиб бўлдим. Бундай натижага эришимизда мактаб жамоаси ва чет давлатдан келиб бизга сабоқ берган Даниел Кейсинг ёрдами катта, — дейди ижод мактаби ўқувчиси Сайёра Тилеўниязова. — Мен халқаро сертификатга ҳам эгаман. Жорий йил ўзим ҳоқ

кучайтирилган. Бунда ижодий тўғрақ раҳбарлари томонидан тарғибот ишлари олиб борилади ва уларнинг қизиқишини янада ошириш мақсадида йўналишлар бўйича саҳатлар ташкил этилади.

— Мен бир қатор танловларда ғолиб бўлганман. Албатта, бундай ютуқларга эришимизда устозларимнинг, умуман, мактаб жамоасининг ҳиссаси катта, — дейди "Ёш китобхон" танлови ғолиби Айнура Алимжанова.

лаган хорижий олийгоҳларнинг бирида ўқини давом эттироқчиман. Тайёргарлигим аъло кезажада.

Уқувчиларнинг ижодий маҳоратини бойитиш мақсадида "Эркин Қорақалпоғистон", "Қорақалпоғистон ёшлари" газеталари таҳририятига ва "Билим", "Қорақалпоғистон" нашриётларига саҳат уюштирилиб, ижодкор ўқувчиларни газета-журналлар, китобларнинг тайёрлаши жараёни билан яқиндан таништириб келинмоқда.

Мактабдаги "Аъзий" деб номланган бадиий-адабий журналда ўқувчиларнинг ижод намуналари нашр қилинади. Шунингдек, "Ердаги юлдузлар" адабий-драма клуби фаолият кўрсатмоқда.

— Мен бир қатор танловларда ғолиб бўлганман. Албатта, бундай ютуқларга эришимизда устозларимнинг, умуман, мактаб жамоасининг ҳиссаси катта, — дейди "Ёш китобхон" танлови ғолиби Айнура Алимжанова.

— Мен бир қатор танловларда ғолиб бўлганман. Албатта, бундай ютуқларга эришимизда устозларимнинг, умуман, мактаб жамоасининг ҳиссаси катта, — дейди "Ёш китобхон" танлови ғолиби Айнура Алимжанова.

Биз Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабидан бир олам яхши таассуротлар билан қайтиб. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бундай мактабларда минглаб иқтидорли ўқувчилар таълим олаётгани юртимизда ёшлар маънавиятига, адабиёт ва китоб мўтолаасига, ижодга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Минажатдин КУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



## ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

# ИККИ ЭЛ РИШТАСИН БОҒЛАГАН ВАТАНДОШЛАР

## “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар уюшмаси ташкил топганига 50 йил тўлди

### Энди томда қизгалдоқлар очиларми?

Сиэтл ва Тошкент Ер сайёрасининг қарама-қарши томонида жойлашган биродар шаҳарлар. Самолётда борилса, бу икки шаҳар ораси 12 соатлик масофа. У ерда Наврўз айёми тонгида чалинган карнай-сурнай садолари ватандошларимиз юрагини тўлкинлантириб юборди.

Дошқозонда пишай деб қолган сумаланинг болалиқдан таниш хушбўй хидини туйган Фазлиддин Шамсиев беихтиёр умрининг бугунроқ дамларига қайтавандек бўлди. У Сиэтлдаги Ўзбек маҳалласи раиси, Сиэтл — Тошкент биродарлик шаҳарлари уюшмаси президенти, “Дўстлик” ордени соҳиби. Беихтиёр кўхна Тошкентнинг файзли кўчалари, томсувоқ уйлар томидаги лолақизгалдоқлар, тўлкинланиб оққан анҳор, бойчечуа яппизларни кўзга сурган момоларнинг нурли чеҳраси кўз ўнгиде жонланди.

— Фазлиддин ога! Сеннинг қандай ажойиб халқинг, ўлмас ва ранг-баранг удумларинг бор-а?! Ошининг гуручунчи солаверайлими? Жуда хаёлга толибсан, биринчи муҳаббатинг ёдингга тушдим, дейман...

Кўкун дўппини бошига кўндириб олган “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлари уюшмасининг собиқ президенти Дэн Петерсон шу гапларни соф ўзбекча айтир экан, уйга топан Фазлиддин аканинг елкасига чалинган ошналардек уриб кўйдди. Бу самимиятдан атрофдагилар ҳам яйраб кетди.

### Эзгу ниятлардан пишган сумалак тотти ёхуд Наврўз америкаликларнинг ҳам севимли айёмига айланди

— Бундан беш йил муқаддам ҳам ана шундай катта дошқозонда сумалак қайнаган, ош дамланган эди, — дея гап бошлади Фазлиддин ака. — Ушанда Тошкент шаҳар ҳокимияти делегацияси ушбу икки шаҳар ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатилганининг 45 йиллиги ҳамда Наврўз байрамини нишонлашга бағишланган тadbирларда иштирок этиш учун АҚШга ташриф буюрганди. Тантаналарда 400 дан ортиқ киши, хусусан, Сиэтл маъмурияти, “Тошкент — Сиэтл” биродар шаҳарлар ассоциацияси, Вашингтон университети, ўзбек диаспораси ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этган.

2018 йилда нишонланган ўша Наврўз байрами шукухани америкалик ватандошларимиз чиндан ҳам соғинч билан тилга олади. Байрам тadbирлари доирасида ўзбек санъаткорлари томонидан маданий дастурлар, миллий либослар кўрғазмаси ҳамда Ўзбекистон билан боғлиқ фото материаллар намойиши бўлиб ўтган эди. Айниқса, делегация вакиллари Сиэтл шаҳрида истикомат қилаётган юрдушларимиз билан бўлган учрашувлари жуда қизгин ўтган. Жумладан, йирик компаниялар мутахассислари билан биргаликда юртимиздаги компьютер дастурчилар учун малака ошириш курслари ва семинарлар имкониятлари ҳам муҳокама қилинган эди. Республика Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан сентябрь ойида хорижлик ватандошларимизга 1000 дан ортиқ ўқув ва бадий адабиёт тақдим этилди.

### Юрагим қафтида бир сиқим тупроқ

Ниҳоят, шоҳона безатилган Наврўз байрами дастурхони атрофига меҳмонлар кела бошлади. Америкалик ватандошимиз Зикрий Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг Вашингтон университети профессори Ильна Сиртаутасга бағишлаб ёзган шеърини ёдга олди. Сўнгра кўзида ёш билан шоирнинг она юрт тупроғини улуғлаб тараннум этган яна бир шеърини ўқиб бошлади:

Кекса қарагайинча илдизин очиб,  
Тортдилар кўш арқон солиб белидан.  
Лекин у тупроққа панжасин санчиб,  
Сира кўзгалмасиди унган еридан...

Ниҳоят, гурс этиб ерга қулади,  
Бутаб, сўне кўтариб кетдилар, бирок —  
У ўз панжасида олиб жўнади

Яшаган еридан бир сиқим тупроқ,  
Узоқ йиллардан буён она юртдан олисда умргузорлик қилиб келаётган ватандошларимиз ўзбек халқининг меҳру оқибатга чорлагувчи анъана ва кадритлари ҳақида сўхбатга киришиб кетди.



— Она Ватан туйғусидан, дўстлар дийдоридан, узоқ ўлкада қулгинга чалиниб турган она тилинг оҳангидан ортиқ завқ борми? — дея гап бошлади Оллоёр ота. — Орқанда тоғдай бўлиб халқинг турганига не етсин. Халқига сунган одам ҳеч қачон йиқилмайди. Қаерга бормайли, она юрт соғинчи, меҳрини юрагимиз қафтида олиб юрдик.

### Илк тамал тоши қандай қўйилган?

“Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар уюшмаси не-не фидойи инсонлар илзанишлари ва меҳнати эвазига пайдо бўлган. Келинг, шу ўринда тарихга назар солайлик...

— 1956 йил 11 сентябрь куни Оқ уйда “Биродарлашган шаҳарлар алоқаларини шакллантириш тўғрисида” деб номланган конференция ўтказилган, — дейди Биродар шаҳарлар уюшмаси 50 йиллиги олдидан тайёрланган китоб муаллифларидан бири Дэн Петерсон. — Унда АҚШ Президенти Дуайт Эйзенхауэр нутқ сўзлаб, “Бизни икки буюк мақсад, ишонч билраштириб туради. Биринчиси, эркин-лигимизнинг асосий таянчиси сифатида мустақам маҳаллий бошқарув тизимларимизга бўлган ишончимиздир. Иккинчиси, дунё тинчлигининг фундаменти барло этишда халқлар ва биродарлик шаҳарлар алоқаларининг ривожидидаги фаол ятга бўлган ишончимиздир!” деган эди.

1971 йил сентябрь ойида Сиэтл мэри тақлиф қилинган Тошкент, Иркутск ва Сочи шаҳарлари раҳбарлари билан учрашади. Тижорат ташкилоти саяй-ҳаракатлари, бизнес имкониятлари фуқароларни қандай қилиб билраштириш мумкинлигининг исботи эди бу. Alaska Airlines ўша пайтда АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасида тижорат хизматини очган биринчи авиакомпания эди. Унинг ўша пайтдаги бош директори Чарлз Виллис 1973 йил март ойида “Seattle Times” газетасида ёзган мақоласида сайёҳлик рейсларида “Эзгу ният ва халқаро тушуниш миссияси” муҳимлигини таъкидлайди.

### Ўзбек тилида ўтказилган кенгаш тарихи

Вақтлар ўтгани сайин икки давлат ўртасидаги савдо-сотик алоқалари ҳам ривожланди. “Boing” авиакомпаниясининг халқаро лойиҳалар бўйича вице-президенти Кеннет Лооплоу дўстликни ривожлантириш, бизнес юртишдан икки томон ҳам манфаатдор бўлишни таъкидлади.

Маъzur биродар шаҳарлар ўртасидаги тарихий аҳамиятга эга дастлабки қадамлар

бошланди. Бу тарихий воқеалар 1972 йил 16 декабрда “Правда Востока” газетаси ва ТАСС томонидан кенг ёритилган.

“Вашингтон штати пойтахти Сиэтл ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент биродар шаҳарларга айланди”, деди шаҳар мэри В. Ульман ТАСС мухбирига. Булар Совет ва Америка шаҳарлари орасида дўстона алоқалар ўрнатган биринчи шаҳарлар.

Жаноб В.Ульман 1973 йил январь ойида биродар шаҳар алоқаларини шакллантирувчи ҳужжатларни имзолади. У “Сиэтл — Тошкент” қўшма қўмитасини ташкил этиб, биринчи аъзоликка профессор И.Сиртаутасни қабул қилди, қўмита раиси этиб эса тadbиркор Хю Смитни тайинлади. Йиллар давомида қўмита номи бир неча бор ўзгарган. Ниҳоят, “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар уюшмаси деб атала бошлади.

### Рақслар қанотида юксалган самимият шуъласи

1974 йил Сиэтл шаҳри марказида “Тошкент боғи” ташкил этилган. Ушбу боғда Ўзбекистоннинг бир бўлаги, бир парчаси гавдаланди, десак адашмаган бўламиз. Айни муносабат ва эътиборга жавобан 1988 йил Тошкент шаҳрида ҳам “Сиэтл боғи” кад ростлади. Сиэтл дунёнинг 21 шаҳри билан биродарлик алоқаларига эга. Унинг сўлим маҳалласида жойлашган “Тошкент боғи”га ҳам ватандошларимиз қалби тўла соғинч ва муҳаббат билан келади.

— 2019 йилда Эмика хоним Накамуре тақлифига биноан Сиэтлга келган эдим, — дейди таниқли раққоса, санъатшунос Нурхон Зулфинова. — У ҳатто Хоразм, Бухоро, Фарғона рақс йўналишлари бўйича ҳам дарс бера олади. “Евроосиё” виртуал академияси Эмика хоним раҳбарлигида ранг-баранг рақслар гўлдасини саҳналаштириб, намойиш қилаётгани таҳсинга сазовор. Япониялик, канадалик раққослар ижро этган ўзбек рақсларини бир кўрсангиз эди...



матнинг янги даври сари қадам бўлишига ишонч билдирилганини таъкидлаб ўтди.

1972 йилда Вашингтон университети профессори Ильна Сиртаутас Тошкентда илмий тadbир қилиб бораётган эди. Ўзбекистон Дўстлик жамияти уни навбатдаги йилгида иштирок этишга тақлиф қилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги бўлмаган ўша замонларда бу дўстлик ташкилоти Республикаимиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Профессор И.Сиртаутас маъzur анжуман ҳақида шундай ёзган эди: “Учрашувда Дўстлик жамияти вице-президенти билан бирга бир қанча ўрта ёшли ўзбек жаноблари ҳам иштирок этди. Муҳокама тўлиқ ўзбек тилида бўлди. Вице-президент: “Сиэтл ва Тошкентти биродар шаҳарлар сифатида билраштириб бўлмайми?” деб ўзбекча мувожаат қилганида хайратда қолдим. Чунки ўша даврда барча йилгишлар ва муҳокамалар рус тилида олиб борилар эди”.

Октябрь ойининг бошларида профессор АҚШга қайтиб келганида шаҳар мэрининг Тошкент Сиэтл билан биродар шаҳар бўлишга рози экани ҳақида хабарни эшитилади. Уша кунёқ у шаҳар мэри билан учрашди. Профессор Тошкентдаги илмий тadbиротлари, ажойиб одамлар ва Дўстлик жамиятининг қизиқликлари ҳақида гапириб беради. Чунки дўстлик тақлифининг Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланиши жуда муҳим ҳодиса эди.



Дарҳақиқат, икки эл ўртасидаги ришталарни санъат ва маданият алмашинуви орқали боғлаш завқли ва самаралидир. Айниқса, бутун Қўшма Штатлар бўйича ўзбек санъатини тартиб қилаётган санъат

— Лорел Виктория Грей санъати Ўзбекистон билан маданий алоқаларимизда муҳим ўрин тутди, — дейди “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар уюшмаси вице-президенти Шохид Исмоилова. — Бу ҳамкорлик узоқ тарихга эга. Грей хоним Ўзбекистонга илк бор 1973 йили келганда ўзбек рақсларига шайдо бўлган ва уларни астойдил ўрганишга аҳд қилганди. У 1979 йил Вашингтон университетида ўқийтганда Қизлархон Дўстмухаммедова ва Ўзбекистоннинг “Баҳор” ансамбли аъзолари билан танишди. Уларнинг Сиэтлдаги концерти Лорелни хайратга солди ва у ўзбек рақс маданиятига мафтун бўлиб қолди.

Қизлархон Дўстмухаммедова Грей хонимдаги шижоат ва меҳрни кўриб, уни шоғирдликка жон деб қабул қилди. Устоз-шоғирдинг бу самимий муносабатлари, албатта, Сиэтл — Тошкент маданий алоқалари тўғрисида янада ривожланди.

“Евроосиё” академияси ансамбли бадий раҳбари Эмика Накамуре ҳам маҳоратли раққоса. Қўрқ йилдири. Сиэтлда Марказий Осиё халқлари рақсларини, хусусан, ўзбек маданиятини тартиб қилиб келади. Японияда туғилиб ўсган ва кейинчалик АҚШга кўчиб келган Эмика уч ёшдан рақсга туша бошлаган. Онаси япон классикаси ва халқ рақслари ўқитувчиси, отаси эса қўшиқчи ва ёшлар театрининг актери эди.

Вашингтон университети профессори Ильна Сиртаутас Эмикага кўп имкониятлар яратиб берди, жумладан, Тошкентдаги “Баҳор” давлат рақс ансамблида таҳсил олиш, Тошкент давлат университетида тил ўрганиш курсларида қатнашиш ва таниқли ўзбек раққосалари билан рақсга тушишга ёрдам берди.

— Дастлабки машғулларданок Эмика Ўзбекистон телевидениесида чиқиш қилганди. Бу ўша пайтда ўзига хос маданий сенсацияга айланди, — дейди “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар ассоциацияси ҳамраиси Шохана Биллик. — Накамуре хонимни оддий деҳқонлардан тортиб тақси ҳайдовчиларга таниб қолганди. Телевизиода, радиода ва газеталарда раққосанинг маҳорати ва Ўзбекистонга бўлган муҳаббати ҳақида тўлиб-тошиб гапирш учун. Ҳатто Эмика Накамуре Навойи номидаги опера ва балет театрида, “Халқлар дўстлиги” концерт саройида ва Тошкентдаги нуфузли байрам тadbирларида ҳам иштирок этиб, эл олқишига сазовор бўлди.

2020 йилда Эмика Накамуре Марказий Осиё рақсларига, ўзбек маданиятига бўлган эҳтироми, қўллаб талабаларни тайёрлашда қўрсатган хизмати ва юксак маҳорати учун “Гордон Эквалл” хотира мукофоти билан тақдирланган.

### Туркий тиллар учун жон куйдирган икки профессор

400 дан ортиқ нашр муаллифи, профессор Николас Поппе Вашингтон университетининг туркий ва олтой тиллари бўйича таниқли олими. 1968 йилда Вашингтон



корлар — Лорел Виктория Грей ва Эмика Накамуре хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

университети билан Марказий Осиёдаги, Тошкентдаги университетлар ўртасида академик китоб алмашинуви бўйича рас-

мий шартнома тузган. Бу борадаги дастлабки мулоқотлар “Сиэтл — Тошкент” биродар шаҳарлар уюшмаси асосчиси ва Вашингтон университетининг профессори Ильна Сиртаутас каби олималарга кенг йўл очиб берди.

1989 йилда профессор И.Сиртаутас Вашингтон университетиде “Марказий Осиё тиллари ва маданияти” ёзи дастурини яратди. Ушбу дастур доирасида қўллаб ўзбек шоир ва ёзувчиларини маҳаллий талабаларга дарс бериш учун тақлиф қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ушбу дастур ҳақида шундай эслайди: “Америкалик ўқувчиларнинг ўзбек тилини ўрганишга қизиқиши мени хайратда қолдирди. Чунки Совет даврида Ўзбекистонда яшаган руслар ҳам ўзбек тилини ўрганишга қизиқмас, бунга муҳтож эмасликларини айтганди. Америкалик талабаларга тилимиз ва маданиятимиз бойлигини ўрганишлари учун кўмаклашиш менга жуда маъқул бўлган”.

### Тинчлик машъаласи умумий мақсадимиз ва тилагимиздир!

— Бу сафар самолётдан тушганимда бугунги Тошкентни умуман таний олмадим, — дейди Фазлиддин Шамсиев. — Америкада яшасак-да, ҳамisha юртимизда кечаётган барча ўзгаришларни кузатиб тураимиз. Ўзбекистон пойтахти 2016 йилдан катта ислохотлар майдонида айланди. Бу ўзгаришлар шомоли жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Айниқса, тadbиркорлик ва қурилиш-шаҳарсозликни ривожлантириш бўйича очиб қилинган сиёсати таъбиқ қилинмоқда. Йирик иншоотлар қурилиши билан бирга “Сехрли шаҳар”, “Ашхобод”, “Дўстлик” боғлари барпо этилди. Катта имкониятларга эга янги меҳмонхона тармоқларини ривожлантириш ва қуриш хорижий сайёҳлар оқимининг ошшишига олиб келди.

Наврўз тантанасига ташриф буюрган сўхбатдошларимиздан бири — “Сиэтл — Тошкент” биродарлик шаҳарлар уюшмаси аъзоси Шарлотта Чайс эса сўнгги йилларда пойтахтда қўллаб қамонавий турар жойлар қад кўтаргани, янги магистрал йўллар ва метро бекатлари бунёд этилганини алоҳида айтиб ўтди. Шунингдек, ватандошларимиз томонидан Ўзбекистон фуқароларининг хорижа кўп миграцияси, чет эл тақрибасининг интеграциялашуви ва ўрганилиши банк хизматлари ва давлат хизматларининг турли йўналишлари ривожига кўмаклашгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Эндиликда улар Америка ва Европанинг илгор давлатларидаги хизмат турларидан асло қолшмаётгани, таниқли хорижий банклар филиаллари қўлайиб бораётгани ҳам сўхбат асосида айтиб ўтилди.

Хўш, бугунги Сиэтл-чи? У айни пайтда қайси жиҳатлари билан дунё ҳамжамияти эътиборини тортимоқда?

— Сиэтл ўз компаниялари орқали дунёга технологик дастурий таъминот, деярли барча дунё авиакомпанияларига самолёт ва ҳамма жойда тиббий инновацияларни экспорт қилади, — дейди Дэн Петерсон. — Айни пайтда Сиэтл порти юк ташин ҳажми бўйича Қўшма Штатлардаги кучли ортилганди ҳол олган. Шаҳар аҳолиси ҳамisha глобал даражада фикрлаш, ишлаш ва яхши натижага эришиш учун интилиб келади. Бу саяй-ҳаракатлару ташаббусларининг барчаси, аввало, дўстлик ва тинчлик деб аталган неъматни қадрлашга қаратилган.

“Лази” таронаси анграр экан, Наврўзга ташриф буюрган барча меҳмонлар миллати ва тилидан қатъи назар, саҳнага шошилди. Бу самимий давра аҳлини кузатган инсон борки, юраклар тўлкинидаги самимиятни, тилакларни билраштирган эзгулик мағнини ҳис қилмаслиги мумкин эмас!

Кўтлугў 50 йиллик ришталар тантанаси муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

### Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлжазлар тақриб қилинмайди ва муаллифлик қўйилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

11117 нусхада босилди.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова  
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбўточилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўза яқини — 02:00 Топширилди — 02:10